Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 25 (5016).
1 ФЕВРАЛЬ 1983 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ МОСКВА СТАНОКСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов Серго Оржоникидзе номли Москва станоксозлик заводига борди. Ўртоқ Ю. В. Андропов корхона цехларида бўлди, завод маҳсулоти билан танишди. Юрий Владимирович Андропов бригадаларда ва участкаларда ишчилар ва мастерлар билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнати, ўқиши ва дам олиши қандай ташкил этилганини қизиқиб суриштирди.

Механика-йиғув цехида Ю. В. Андропов кадрлар масаласи қандай, — деб сўради.

Завод директори Н. С. Чикирев бу соҳада жиддий проблема бор, — деб жавоб қайтарди.

Ю. В. Андропов. Қанақа проблема?

Н. С. Чикирев. Слесарлар, электр монтажчилар етишмаяпти, ёшлар бу ишга сust келмоқдалар. Москвадагина эмас, бошқа шаҳарларда ҳам шу проблема бор. Заводда станокчиларни ишга олишда қийин аҳволда турибмиз.

Ю. В. Андропов. Хўш, станокчиларнинг маоши қалай?

Н. С. Чикирев. Маошлари чакки эмас.

Ю. В. Андропов йўнувчи С. А. Королевга мурожаат этиб: — кўпдан бери ишлаяпсизми? — деб сўрайди.

С. А. Королев. Етти йилдан бери.

Ю. В. Андропов. Ҳамма вақт станок ёнидами?

С. А. Королев. Ҳамма вақт.

Ю. В. Андропов. Маошингиз қалай?

С. А. Королев. Етарли.

Ю. В. Андропов. Қанча ўзи?

С. А. Королев. 250 сўмга боради.

Ю. В. Андропов. Слесарь кўпроқ оладими?

С. А. Королев. Иўқ, тахминан шунча олади.

Кейинги цехда заводни реконструкция қилиш ҳақида, корхонанинг баъзи маҳсулотлари тўғрисида гаплашилди. Ю. В. Андропов станокларнинг жаҳон бозоридаги рақобат қуввати, улар қайси мамлакатларга сотилаётгани билан қизиқди.

Ю. В. Андропов. Заводингиз социалистик мамлакатларнинг корхоналарига қандай техникавий ёрдам бермоқда?

Н. С. Чикирев. Биз заводимиз маҳсулотини Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга етказиб бермоқдамиз. Социалистик мамлакатлардан мутахассислар, ишчилар тажриба ўрганиш учун корхонамизга келмоқдалар. Бевосита алоқа қилиниб турибди. Масалан, чехословакиялик дўстлар бизнинг ҳузуримизга келиб туришади, биз ҳам уларнинг юртига бориб турамиз.

Ю. В. Андропов автомат станоклар созловчиси Б. А. Шунинга мурожаат этиб, сиз бу заводда кўпдан бери ишлайсизми? — деб сўради.

Б. А. Шунин. Йигирма йилдан бери.

Ю. В. Андропов. Бу линиядачи?

Б. А. Шунин. Олти йилдан бери.

Ю. В. Андропов. Унда ишни ўзлаштириш учун кўп вақт керак бўладими?

Б. А. Шунин. Доимо янгиликни ўзлаштириб туришга тўғри келади.

Ю. В. Андропов. Қийинми, бу?

Б. А. Шунин. Қийин, аммо, ўзлаштириш керак.

Ишлаб чиқариш ветерани созловчи М. Ф. Скрипкин ганга аралашади: Юрий Владимирович, ўзлаштириб олинганидан кейин, ишлаш қийин бўлмайди.

Ю. В. Андропов. Бундан кейин яна қандайдир янгиликни берадилар-ку, ахир?

М. Ф. Скрипкин. Буни ҳам ўзлаштирамиз, бизнинг вазифамиз ўзи шундай.

Ю. В. Андропов. Сир бўлмаса бир савол. Қанча маош олаяпсиз?

М. Ф. Скрипкин. Етарли.

Ю. В. Андропов. Ойлигиз неча кишидан иборат?

М. Ф. Скрипкин. Икки кишимиз.

Ёш ишчи турган станок ёнидан ўтиб борилаётганида Н. С. Чикирев изоҳ берди: «Бу эса менинг ўғлим. Институтни тамомлаб станок ёнида ишлашга қарор берди».

Ю. В. Андропов. Сиз қайси институтни тамомладингиз?

В. Н. Чикирев. Станоксозлик институтини тамомладим. Институтга киришдан аввал шу заводда ишлар эдим. Мактабдан кейин дарҳол шу ерга келганман. Бизнинг оилавий сулоламиз бор, чунки онам ҳам шу заводда ишлайди.

Ю. В. Андропов. Нега станок ёнида ишлашга қарор бердингиз?

В. Н. Чикирев. Станокларнинг яратилиши жараёнини яхшироқ билиш учун бевосита шу станокларнинг ўзида ишлаш керак.

Заводнинг ветеран аёлларидан пармаловчи В. П. Чайка Ю. В. Андропов ёнига келади.

В. П. Чайка. Заводда қирқ бир йилдан бери ишлайман. Пенсияга чиқдим, яхши кузатишди. Уйимдаги ишлар ҳам жуда яхши. Аммо уйда ўтириб нима қиламан? Ишлаганим, коллектив билан бирга бўлганим яхши. Бу ерда мени ҳурмат қиладилар. Доимо ширин сўз айтадилар. Мен 1942 йилдан бери заводдаман, ўн беш ёшлик қизлик чоғимда бу ерга келган эдим. Яхши ишлаганим учун мени қичкина чўчқа боласи билан мукофотлашгани эсимда. Ҳали кучим бор экан, заводда ишлайбераман.

* * *

Сўнгра ишчиларнинг танаффуси вақтида ўртоқ Ю. В. Андропов заводнинг мажлислар залида цехларнинг ва завод бошқармасининг вакиллари—ишчилар, бригадирлар, техниклар, инженерлар билан, корхона, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувни завод парткомининг секретари В. И. Кубрин очди.

Завод директори Н. С. Чикирев заводнинг тарихи, социалистик мусобақа қандай бораётгани, корхона коллективи КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини қандай амалга ошираётгани, техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва станоксозликнинг истиқболлари ҳақида гапириб берди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан кейин, деди у,— завод коллективи интизом проблемасига чуқурроқ назар билан қаради. Бизнинг заводимиз Москванинг бошқа корхоналари билан бирга меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш ташаббуси билан майдонга чиқди. Иш вақтининг зое ўтишини қисқартириш ҳисобига 1983 йилда меҳнат унумдорлигини камида бир ярим-икки процент оширишга қарор қилинди. Биз ҳозир меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ўтказаётган иш ҳақиқатан ҳам жуда муҳим, деб ўйлаймиз. Биз ўз камчиликларимизни кўриб турибмиз, бу камчиликларни қандай қилиб тугатишни биламиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртага қўйилган вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқамиз. Корхона коллективи белгиланган тиғиз планларни муваффақиятли бажариш учун бу йил катта социалистик мажбурият қабул қилди. Бу мажбурият коллективларда, умумий йиғилишда муҳокама қилинди. Биз бу йилги планни 27 декабргача бажаришга сўз бердик.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов учрашувда нутқ сўзлади.

Азиз ўртоқлар! Самимий кутиб олганингиз учун сизларга кўпдан-кўп раҳмат. Мен сизларнинг бундай мусобатингизни келажак учун аванс деб биламан ва сизларнинг ишончингизни оқлайдиган даражада ишлашга интиламан. Мен буни шахсан ўзимга билдирилган ишонч деб эмас, балки Марказий Комитетга ва Сиёсий бюрога билдирилган ишонч, деб ҳисоблайман. Бунинг учун сизларга раҳмат.

Сизлар Москвадаги бошқа коллективлар билан биргаликда Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарорларини қўллаб-қувватлаганингиз учун партия Марказий Комитети номидан миннатдорчилик изҳор этаман. Пленум қарорлари бутун мамлакатдаги барча меҳнат коллективларида бажонидил кутиб олинганлиги қувончлидир. Демак, Пленумда айтилган гаплар ҳақиқатан ҳам одамларнинг манфаатларига даҳлдор экан. Биз партиянинг мамлакат экономикасини янада ривожлантиришга қаратилган қарорларини совет ишчилар синфи якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганини сезиб турибмиз.

Сизларнинг ажойиб коллективингиз шаҳар партия ташкилотининг яхши таянчи эканини ва шаҳар партия комитети билан партия Марказий Комитети унга таянишлари мумкинлигини исботлади.

Бу ерда ўртоқлар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг катта аҳамияти тўғрисида гапиришди. Бу аҳамият Пленумда мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг шу йилги йўллари кўрсатилганлиги билангина белгиланмайди, қурилишимизнинг, ишлаб чиқаришимизнинг миқёслари билан боғлиқ бўлган катта вазифалар ўртага қўйилди. Бизнинг ишлаб чиқаришимиз чиндан ҳам буюкдир. Дунёдаги ҳеч бир мамлакат, айтайлик, пўлат, нефть ва бошқа маҳсулотларни бизчалик кўп ишлаб чиқараётгани йўқ. Пленум қарорлари биз дуч келаётган ва бу йилги планни амалга ошириш пайтида ҳали дуч келишимиз мумкин бўлган бир қанча қийинчиликларнинг эътиборга олинганлиги учун ҳам муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОРТЯПТИ

СССРнинг 60 йиллиги йилидаги план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этган «Госкомсельхозтехника»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи коллективи Тошкент юбилейи йилида ҳам муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

КЕЧА

завод коллективи йил бошидан бери 680 та двигатель, 330 та гидропресс ишлаб чиқариб, январь ойи учун белгиланган маҳсулот реализация қилиш планини бажарди.

Заводда бригадаларо давом этаётган социалистик мусобақада Иля Татарчинский бошлиқ иссиқлик аппаратураларини ремонт қилувчи бригада аъзолари кўпчиликка намуна бўлишаяпти. Бу бригадага ўз ишини яхши билган, аҳил, интизомли кишилар тўпланган. Уларнинг унумли ва сифатли меҳнати коллективга корхонадаги мусобақада пешқадамлик қилиш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда бу бригада меҳнат қилаётган участкага конвейер, форсункалар учун механизациялашган стенд, деталларни ювадиган мослама ўрнатилди. Бу тадбирлар меҳнат шароитини яхшилаб, унумдорликнинг ортишига ёрдам берди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанддаги химия, Қўқондаги суперфосфат заводлари коллективларининг 1983 йилда қўшимча минерал ўғит ишлаб чиқариш борасидаги юксак социалистик мажбуриятларини маъқуллади ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ А. МАМИРОВ БОШЛИҚ ПЕШҚАДАМ КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАСИ ПОЙТАХТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИНГ «ЙИЛЛИК ПЛАН — ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА» МУРОЖААТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА.

САФЛАРИМИЗДА ТАШАББУСКОРЛАР СОНИ КЎПАЯВЕРСИН. КИМ ЎЗИДА ПРОФЕССИОНАЛ КУЧ-ҒАЙРАТНИ ҲИС ЭТСА, ЯРАТИШ ВА ИЖОД ҚИЛИШГА ҚОБИЛИЯТЛИ БЎЛСА, ТОШКЕНТНИ ЭСА ЎЗИНИНГ ЖОНАЖОН БЕШИГИ ДЕБ ҲИСОБЛАСА, АНА ШУЛАРДАН НАМУНА ОЛАДИ.

(Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ишчиларининг пойтахтнинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидан).

Зарбдор меҳнат, юксак интизом

Бу коллективни фақат 26-цехдагина эмас, бутун Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида яхши билишади. Ёш коммунист А. Мамиров етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ишдаги ғайрат-шижоати, коллективдаги мустаҳкам меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, актив ҳаётий позицияси билан ажралиб туради.

Комсомол-ёшлар бригадаси 1983 йилда — штоклар тайёрланадиган янги участкани ташкил этиш пайтида вужудга келган эди. Ўшанда цех комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаган Асқар ёшлар бригадаси ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, ўзи ана шу бригадага етакчилик қила бошлади. Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи тўлашнинг бу ерда жорий этилган бригада усули меҳнат унумдорлигини ошириш, бригада аъзоларини 10 кишидан 8 кишига камайтириш имконини берди. Мана шу мўъжазгина коллективнинг куч-ғайрати билан кунлик, йиллик ишлаб чиқариш топшириқлар ортиғи билан адо этилмоқда. Юксак малакали ишчи, истеъдодли бригадир, меҳрибон ўртоқ А. Мамиров коллективда меҳнатсеварлик, мустаҳкам интизом, аҳиллик вазиятини вужудга келтира олди. 1982 йил планини Мамиров бригадаси Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги арафасида бажарди. Бригаданинг бу муваффақияти тасодифий эмас. Бу — бригада ҳар бир аъзосининг виждонан, юксак унумли меҳнати самарасидир. Бригада смена топшириқларини 115— 120 процент бажаради. Ишдаги юксак кўрсаткичлари учун Мамиров бригадасига «Коммунистик меҳнат бригадаси» юксак унвони берилган.

Шаҳримиз учун юбилей йили —1983 йилда Мамиров бригадаси аъзолари пойтахт донгдор ишчилари ва Тошкентнинг беш йиллик ёш гвардиячилари Чақириғини қўллаб-қувватлаб, жонажон пойтахтимизнинг 2000 йиллигини зардор меҳнат билан, йиллик планни муддатидан илгари бажариш билан нишонлашга азму қарор қилдилар. Бригаданинг барча аъзолари ана шу юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга интилмоқда. Бригадада ҳукм сураётган ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, мустаҳкам меҳнат интизоми ана шу мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишидан далолат беради. Коллективда ишга кечикиб келувчилар йўқ. Бошқа комсомол-ёшлар бригадалари бу коллективдан ўрнак олишга, унга тенглашишга ҳаракат қилмоқда.

* * *

СУРАТДА: Комплекс комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга): фрезерчи Г. Маҳметова, созловчи А. Глодченко, бригада бошлиғи А. Мамиров, фрезерчи М. Боймуродов, токарь В. Иванов.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЁШ ИЛҒОРЛАРИ, БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИЛАРИНИНГ ШАҲРИМИЗ БАРЧА ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРИНИ ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИНИ ЯНГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН НИШОНЛАШ ЮЗАСИДАН ПОЙТАХТИМИЗ ДОНГДОР ҚИШИЛАРИ МУРОЖААТИНИ, ШАҲРИМИЗ ИЛҒОР ИШЧИЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА»

Тошкент шаҳар комсомол комитети бюроси «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган ишлаб чиқариш ёш илғорлари, беш йиллик гвардиячиларининг шаҳримиз барча йигит ва қизларини Тошкентнинг 2000 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш юзасидан пойтахтимиз донгдор кишилари Мурожаатини, шаҳримиз илғор ишчиларининг ҳаракатини қўллаб-қувватлашга даъват этувчи ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда Тошкент ёшлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини ғайрат-шижоати жўш урган ҳолда, зардор, юксак унумли меҳнат билан бошладилар, деб таъкидланади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш ҳаракатини авж олдириб юборган Москва илғор коллективларининг ташаббусини шаҳримиз ёш меҳнаткашлари ҳам кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳамма ерда коллектив ҳамда шахсий иқтисод ва тежамкорлик ҳисоблари қабул қилинмоқда, ёшларни коллективлар олдида турган халқ хўжалиги вазифаларини сўзсиз бажариш учун курашга кенг жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган ишлаб чиқариш ёш илғорлари, беш йиллик гвардиячиларининг ташаббуси ёш тошкентликларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада авж олдириб юборди. Ташаббускорлар шаҳримиз донгдор кишиларининг «Бизнинг шаҳримиз — бизнинг фахримиз» деб номланган Мурожаатини, Тошкентнинг илғор ишчилари ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ёшларни зардорларча ишлашга, Тошкентнинг 2000 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга даъват этдилар. Тошкент шаҳар комсомол комитети бюроси «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган ишлаб чиқариш ёш илғорлари, беш йиллик гвардиячиларининг «Ёшларнинг илҳомбахш меҳнати — пойтахт юбилейига» ташаббусини маъқуллаб, район комсомол комитетларига, шаҳардаги бошланғич комсомол ташкилотларига Тошкентнинг ёш илғорлари ватанпарварлик ташаббусининг кенг ёйилишини, ёшларнинг активлиги ва куч-ғайратини республика пойтахти учун юбилей йили план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишни, комсомол ва ёшларнинг Тошкентни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида кенг иштирок этишини, ҳар бир ёшлар коллективида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кенг ва қатъият билан кураш олиб борилишини таъминлашни топширди.

КУЧ-ҒАЙРАТНИ ОШИРИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров раислигида Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда юбилейга тайёргарлик бўйича Фрунзе район партия комитети амалга ошираётган ташкилий ва сиёсий ишларнинг бориши кўриб чиқилди. Унда Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаеванинг ҳисоботи тингланди. Мажлисда таъкидланишича, район партия комитети шаҳар юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича бир қатор ташкилий ва сиёсий ишлари амалга ошираяпти. Иш планига мувофиқ юбилейга тайёргарлик масалалари фойдаланилмаётган резервлар мавжуд.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимовнинг Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига тайёргарлик ва уни нишонлаш билан боғлиқ тадбирларнинг Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети томонидан бажарилишининг бориши ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Мажлисда шаҳарнинг шонли юбилейига тайёргарлик ишларини янада активлаштириш, белгиланган барча тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишига доир конкрет тадбирлар белгиланди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИШЧИ ДАҚИҚАЛАРИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси Ғулом Холматов ва унинг бригадаси иш сменаси бошланишига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйган бўлади: асбоб-ускуналар жойжойига қўйилган, иситиш печларига қанча газ берилиши маромига келтириб қўйилган бўлади. «Узбексельмаш»нинг бу донгдор ишчиси шаҳримиздаги тўққиз ишлаб чиқариш илғорларидан бири сифатида Тошкентнинг 2000 йиллигини йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш бўйича Мурожаат билан чиққанлардан саналади. У ҳар бир иш дақиқаларидан оқилона фойдаланиб, ўз олдига қўйган вазифани доимо ортиғи билан бажаришга аҳд қилганлардандир. Унинг ва у бош бўлган бригада аъзоларининг кунлик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳар доим кўзда тутилганидан 30—40 процент ортиқ бўлади.

Шаҳримиздаги ҳар бир корхонада ўнлаб, юзлаб донгдор ишчилар борки, уларнинг ҳар бири иш вақтини қадрлаб, меҳнатда ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларида, партия ва ҳукуматимизнинг шундан кейинги қабул қилган қарорларида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги, белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш алоҳида таъкидланди. Москвадаги илғор меҳнат коллективларининг «Меҳнатга қараб шон-шараф!» ташаббуси ишчиларнинг партия даъватига амалий жавоблари бўлди.

Дангаса ва ишёқмасларга, прогулчиларга муросасизлик муҳити ҳар бир коллективда нормага айланиши керак. Бир кишининг тер тўкиб, ғайрат кўрсатиб ишлаши қайда-ю, иккинчи бир кишининг бекорчиликдан бошини қаёққа уришини билмай гап сотиб, бировларнинг вақтини ўғирлаши қаёқда!! Ана шундай ҳолларда коллективнинг ҳар бир аъзоси ишга ҳалал бераётган кишига лўнда қилиб «Агар ишлаш қўлингдан келмаса, ўз ихтисослигингни етарли ўзлаштирмаган бўлсанг, кел, биз сенга ўргатамиз, агар буни хоҳламасанг сени мажбур қиламиз» деб айтмоғи керак! Бу ерда бошқа гапга ўрин йўқ. Бинобарин, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтириш бўйича улуғвор режаларни бажариш сиз билан бизнинг вазифамиздир. Ана шу умум ишга ким ўзининг ҳиссасини қўшмас экан, у зарар келтирган бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов шундай деб таъкидлади: «Сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар — иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур. Ва аксинча, яхши ишламаслик, сусткашлик, масъулиятсизлик ходимларнинг моддий тақдирланишига ҳам, хизмат мавқеига ҳам,маънавий обрў-эътиборига ҳам бевосита ва муқаррар тарзда таъсир этиши керак».

1983 йилнинг дастлабки ойи ортда қолди. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, дастлабки ой ўзининг ижобий самараларини берди. Редакцияга келаётган хат-хабарлар, ишчи мухбирларимиз йўллаётган материаллар Тошкент корхоналарида москваликларнинг ажойиб ташаббуси нақадар кенг қўллаб-қувватланганлигидан, ҳар бир янги меҳнат кунлари —Ўзбекистон пойтахтининг шонли 2000 йиллик юбилейига бизни яқинлаштираётган кунлар нақадар воқеаларга бой ва сермазмун эканлигидан ёрқин далолат бермоқда. Тошкентнинг донгдор кишиларининг ҳар бир ҳамшаҳримизни Тошкентни намунали, коммунистик шаҳарга айлантиришда иштирок этишга даъват қилувчи Чақириғи, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари илғор ишчиларининг пойтахт юбилейига йиллик планни бажариш юзасидан Мурожаати ҳар биримизнинг дилимиздаги гаплар бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган бир группа партия ва меҳнат ветеранларининг республика пойтахти юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича Мурожаати, Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари илғор ишчиларининг ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди. Шаҳар партия комитети қимматли ташаббусни маъқуллаб, уни меҳнат коллективларида кенг ёйишни, партия ташкилотларига бу ташаббусни ёйишда самарадорликка эришишни, оммавий ахборот воситаларига Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақанинг боришини мунтазам ёритишни тавсия этди.

Ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг ўзигина камлик қилади, бу чақириқлардаги битилган режаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун изчиллик билан курашиш катта аҳамиятга эгадир. Ана шу ўринда ҳар бир участкада ишни яхшилашда вақт айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бугун бой берилган вақтнинг ўрнини эртага тўлдириш осон эмаслигини ҳар биримиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам иш вақтининг сўнгги дақиқасигача ундан оқилона фойдаланиш, иложи борича кўпроқ ва сифатлироқ иш бажаришга интилиш айниқса муҳимдир.

Партия ва ҳукуматимиз иш вақтидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган бир қатор тадбирларни белгилади. Тошкентда айни шу кунларда бир қатор магазинлар, маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар меҳнаткашлар учун қулай бўлган вақтда ишлаш режимига ўта бошладилар. Шаҳар транспорти ишини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Бироқ, хизмат кўрсатиш тармоқлари, шаҳар транспорти ишида ҳали нуқсонлар оз эмас. Бу нуқсонлардан кўз юмиб бўлмайди, эришилган ютуқлардан хотиржамликка берилмаслигимиз керак. Нуқсонларга қарши мунтазам курашишимиз, ҳам маъмурий, ҳам жамоатчилик таъсир чораларини қўллашимиз шу жиҳатдан муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда бой берилаётган дақиқаларчи! Улар кўпгина коллективлар учун кони зарардир. Ҳали ишга прогул қилиш ва кечикиб келишлар, маъмуриятнинг рухсати билан отпуска олиш ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳоллларга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда партия, касаба союз ташкилотлари, кадрларнинг жамоатчилик бўлимлари ўз қатъий сўзларини айтишлари керак.

Иш вақтидан иш манфаатлари йўлида фойдаланайлик. Ҳар бир иш ўрнида самарали, юксак унум билан ишлаш шу кунинг шиори бўлиб қолмоғи керак.

«Ишчи дақиқаларини қадрлайлик» мавзуидаги материаллар ва хатларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқишингиз мумкин.

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ МОСКВА СТАНОКСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

(Боши 1-бетда).

Айрим жойларда, масалан, мана, бизга металлни кам бермоқдалар, электр энергия етишмаяпти, деган овозлар эшитилмоқда. Бу соҳадаги ишни тузатиб олиш керак. Аммо биз корхоналарнинг коммунистлари, раҳбарлари, барча меҳнат коллективлари ва шу жумладан сизнинг коллективингиз ҳам ҳамма турдаги ресурсларни бутун чоралар билан тежашни таъминлаш учун ички резервларни қидириб топишларига ҳам асосланмоқдамиз.

Эсингизда бўлса, Пленумда хўжалик фаолиятимизнинг бир қанча жуда муҳим участкалари беш йилликда белгиланган кўрсаткичлардан орқада қолаётганлиги тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари эндиликда бизни қаноатлантира олмаслиги тўғрисида ҳам гапирилди. Бизнинг экономикадаги ишларимиз ўзимиз истаганчалик яхши бормаётганлигини ўз ишингиздан, эҳтимол, сезиб тургандирсизлар.

Гап мана булар ҳақида бораяпти. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўпинча жуда қимматга тушмоқда. Моддий воситалар, молиявий маблағлар анчагина ортиқча сарф бўлмоқда, меҳнат сарфи ошиб кетмоқда. Шунинг оқибатида ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан аҳолининг пул даромадлари ўсиши ўртасида номутаносиблик келиб чиқмоқда.

Номутаносибликнинг манбаларидан бирини кўрсатиб ўтмоқчиман. «Планга тузатиш киритиш» деган ибора ҳаммангизга таниш. Ростини айтсам, киритилган бундай тузатиш план топшириғини кўпайтиришни назарда тутганини ҳали ҳеч эшитганим йўқ. Агар «тузатиш киритиш» керак, деб айтсалар, демак, камайтириш тўғрисида гап бораётган бўлади. **(Залда кулги.)** Бундай «тузатиш» нималарга олиб боришини тасаввур қилиш қийин эмас. Маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, иш ҳақи эса аввалгисича қолаберади. Бунинг устига, камайтирилган план бажарилгани учун кўпинча мукофот ҳам берилади. Агар буни умумдавлат миқёсида тасаввур этиб кўрилса, магазинлардаги товар массаси билан аҳолининг қўлидаги пул ўртасида тафовут пайдо бўлади.

Дунёда мўъжизалар бўлмайди, дейишади, давлат қанча маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шунча маҳсулотни бериши мумкинлиги ўзларингизга тушунарли. Башарти, иш ҳақининг ўсиши зарур, яхши моллар билан таъминланмаса, агар, ниҳоят, хизмат соҳаси оқсаб қолса моддий фаровонликни ерга қўпайтиришга олиб бормайди.

Хўш, бу аҳволдан чиқишнинг қандай иложи бор? — деган савол туғилади.

Нарх-навони ошириш йўлидан бориш мумкин эди, албатта аммо бу — бош йўл сифатида биз учун ярамайди. Гарчи, айтиш керакки, биздаги нарх-наволарда бир мунча пасту-баландликликлар, номувофиқликлар бор, биз уларни тугатишга мажбурмиз.

Хўш, нима қилиш керак? Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, биз учун бош йўлдир. Биз қилаётган ишларнинг ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ҳаммасини имкони борича энг кам чиқим билан қилиш ва ишлаб чиқариш керак. Юқори сифатли, тез, пишиқ-пухта қилиш керак. Пештахталар бўш бўлмаслиги учун кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш лозим. Мен мажозан гапираяпман. Сизлар: бизнинг станокларимиз магазинларда сотилмайди, дейишингиз мумкин. Аммо пировард натижада сизлар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳам савдога чиқариладиган моллар ишлаб чиқаришга кўмаклашади.

Бу йил — беш йилликнинг марказий йили эканлиги Пленумда айтилди. Очғини айтганда, дастлабки икки йилда қилинмай қолган чала ишларни битказиш ва белгиланган маррага етиб олишга интилиш, беш йилликнинг сўнгги икки йилида нормал ишлаш учун шароит яратиш керак.

Иш сифатини яхшилаш, унинг суръатини тезлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни арзонлаштириш муҳимдир. Бизнинг олдимизда мана шундай зарур вазифа турибди.

Хўш, Ленин ибораси билан айтганда, бутун занжирни тортиб олишга ёрдам берадиган халқа нимадан иборат? Занжирнинг ўзи катта, оғир. Гарчи ҳамма нарсани интизомга олиб бориб тақаб бўлмаса ҳам, ишни айни интизомдан бошлаш керак, ўртоқлар.

Марказий Статистика Бошқармаси берган маълумотга қараганда, биз ишлаб чиқаришдан кетиб қолиш, чекиш учун тўхташ, прогул қилиш оқибатида, бунинг устига айрим кишилар хафсаласизлик билан ишлаш оқибатида миллион-миллион соатлаб вақтни қўлдан бераяпмиз.

Ҳозир биз ҳар бир киши, такрор айтаман, ҳар бир киши ўз нормасини, ўз ишлаб чиқариш топшириғини бажариши учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Буни асло ҳаддан ортиқ талаб, деб бўлмайди.

Мана, бизларда илғорлар бор. Уларни мақтаймиз ва ҳурмат қиламиз. Улар — биз ўрнак олсак арзийдиган ташаббускорлар, машъалларидир. Аммо биз илғорларнинггина куч-ғайратлари билан вазифани ҳал эта олмаймиз. Ҳар бир киши белгиланган топширикни кун сайин бажариши лозим. Шундагина биз мен айтиб ўтган вазифани ҳал эта оламиз. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, бутун меҳнаткаш халқ бўлиб ҳал этамиз.

Шу сабабли сизларга илтимосим, ҳар бир киши топширикни бажариши учун нима қилиш кераклигини ўйлаб кўринглар. Кимга ёрдам бериш керак бўлса — ёрдам берінглар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида меҳнат интизоми тўғрисида масала ўткир қилиб қўйилганининг сабаби нима?

Аввало бу — ҳаёт талабидир. Чунки интизом — меҳнат, план, давлат интизоми дуруст бўлмаса биз олға томон тез бора олмаймиз. Дарҳақиқат, тартиб ўрнатиш бирон бир капитал маблағ сарф қилинишини талаб этмайдию, аммо жуда самара беради. Прогулчи, бракчи, ишёқмас ўзидан кўра ҳам коллективга, бутун жамиятимизга кўпроқ зарар етказади.

Биз интизом ҳақида гапирганимизда, бутун ишлаб чиқаришдаги меҳнат бўғинларини назарда тутаётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Модомики шундай экан, башарти интизом учун авж олиб кетган кураш юзакигина бўлиб қолса, кимдир беш минут кечикди, яна кимдир тез-тез чека бошлади, деган майда-чуйда гапларга ўралашиб қолинса, ҳамма куч-ғайратларимиз зое кетади, албатта. Бундай кечикиб келганларни ва чекиш учун тез-тез ишни тўхтатиб қўйганларни мақтаб бўлмайди. албатта. Иш даҳиқалари бекор ўтаётган ҳамма жойда тартиб ўрнатиш зарур. Ишлаб чиқариш интизомининг ҳамма жиҳатларига, шу жумладан, технология, таъминот интизоми ва шу кабиларга жиддий назар билан қараш тўғрисида гап бормоқда. Ишлаб чиқаришимизнинг ҳамма бўғинларида интизом ошишининг самараси кўриниб туриши керак.

Бизга онгли, амалий интизом керак, ишлаб чиқаришни олға силжитадиган интизом керак. Биз интизом учун курашга катта мазмун бахш этишимиз, уни бевосита ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши билан боғлашимиз лозим. Шундагина ишимиз қуруқ кучанишдан иборат бўлиб қолмайди. Шунда партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми белгиласан иш бажарилади.

Сўнгра Ю. В. Андропов халқаро вазиятнинг баъзи бир актуал масалаларига тўхталди. Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида вазият кескинлашиб бораётганини, уруш хавфи кучаяётганини таъкидлаб ўтганини биласизлар, деди у. Партиямиз. Совет давлати шу хавфни даф қилиш, тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамма чорани кўрмоқдалар.

Муваффақиятларимиз нақадар катта бўлса, экономикамиз нақадар бақувват бўлса, халқ хўжалигимиздаги ишлар нақадар яхши бўлса, халқаро позицияларимиз шу қадар кучли бўлиши, ер юзидаги тинчлик шу қадар мустаҳкам бўлишини тушуниш қийин эмас.

Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда сизларга муваффақиятлар тилайман ва сизлар ўз бурчингизни шараф билан бажаришингизга ишонч изҳор этаман. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Менга бирон-бир савол берингиз бўлса, марҳамат, берінглар. Бундан ташқари, сизлардан ҳали интизом ўрнатиш ишида нималар керагидек қилинмаётганлиги ёки кўнгилдагидек қилинмаётганлиги ҳақидаги, ишлаб чиқаришни олға силжитиш учун яна нималар қилиш тўғрисидаги фикрингизни эшитишни ҳам истайман.

Йиғув цехининг бошлиғи К. И. Мешчанкин сўз олади. У цехнинг ишлари ҳақида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўғрисида гапиради. Бизга катта план берішіди, аммо биз уни бажаришга интиламиз, деди у. Харьковдаги «Серп и молот» заводига «Дон — 1500» комбайни двигатели учун линия етказиб берамиз.

Ю. В. Андропов. Дарвоқе, бу бутун мамлакат кутаётган жуда керакли машина.

К. И. Мешчанкин. Ўз вазифамизни бажариш учун бутун кучни ишга соламиз.

Биз ноябрь Пленуми юзасидан партия йиғилиши ўтказдик. Бизнинг ишчи коллективимиз Пленум қарорларини ўзига хос тарзда қабул этди.

Ю. В. Андропов. Бу ўзига хослик нима экан?

К. И. Мешчанкин. Аввало, иш учун, интизом учун ҳар бир киши ўз масъулиятини янгича ҳис этди. Хуллас, бу жиҳатдан олганда Пленум бизнинг ҳис-туйғуларимизни ҳам, кайфиятимизни ҳам ифода этди. Биз шундай қарорларни кутган эдик. Биз бундан буён ҳам масъулият туйғусини, ишчанликни ошира берамиз, камчиликлардан сабот билан қутулаберамиз. Цех партия йиғилиши бутун коллективимизнинг меҳнатини яхшилашга таллуқли конкрет таклифлар ишлаб чиқишни топширди. Ҳозир бу таклифлар ишлаб чиқилди ва цехнинг кундалик турмушига жорий этилмоқда.

Йиғувчи слесарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Г. Комаров сўз олади: Мен ноёб техника йиғиладиган цехда ишлайман. Заводимиз ишчилари автомат линияларни, жуда мураккаб станокларни, программа ёрдамида бошқариладиган станокларни ясамоқдалар. Бугунги суҳбатимизда керакли, яхши гаплар айтилди. Менинг хулосам шу: биз ҳозир ҳеч кимни уялтириб қўймайдиган даражада ишлашимиз шарт. Партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь Пленумлари белгилаб берган планларни шунчаки бажаришгина қолмай, балки калб қўримиз билан бажарамиз, ошириб ҳам бажарамиз! Юрий Владимирович, Сиз айтгандек, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришамиз. Мен цехдаги партия ташкилотининг секретариман. Коммунистлар номидан айтаманки, Сиз жуда тўғри ютириб ўтганингиздек, интизом кечикиб келинган минутларни ҳисоблашдангина иборат эмас...

Ю. В. Андропов. Ҳа, ишни фақат шундангина иборат қилиб қўймаманглар.

В. Г. Комаров. Биз ўз йиғилишимизда умуман ҳамма интизомбузарларга нисбатан чидаб бўлмайдиган вазиятни вужудга келтиришга қатъий қарор бердик. Шу билан бирга меҳнат унумдорлигини иш вақтининг зое ўтишини, ишлаб чиқаришдаги нобудгарчиликларни қисқартиришга доир таклифларни рўёбга чиқариш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш бош вазифа бўлиб қолаберади. Коллектив учун ҳамма ишни қилиш ҳам, ишга келганингда иш сени қувонтирадиган, мамнун этадиган шароитларни яратиш ҳам керак. Бугун қилган ишингдан ўзинг қувонадиган бўлишинг керак. Оддий бир мисолни айтиб бераман. Қўлимда ёш ишчи — Михаил Степаненков ишлар эди. Биз биргаликда бир станокни ясар эдик. Йиғиб бўлинган ва ишлаб турган станокка унинг нақадар қизиқиб қараганини кўриш менга мароқ бахш этди. Ҳатто мен бундан ажабландим. Йигитча бўлса станок ёнига келиб: буни қаранг-а, ишлаб турибди! — деди. Цехда мен билан бирга Федор Кузьмич Бухарев, Алексей Федорович Шумилкин сингари ўз ишининг пири бўлиб кетган кишилар ишлаётганлиги ҳам мен учун ёқимлидир. Худди мана шу кишилар биздаги ёш ишчиларга тарбия бермоқдалар. Биз ўз ўринбосарларимизга қандай тарбия берсак, улар худди шундай ишлайдиган бўладилар. Биз уларга нималарни ўргатсак, буни улар кейинчалик жонажон заводга сарфлайдилар.

Пардозлаш ишлари цехининг бошлиғи Т. А. Комарова сўз олади. Бизнинг цехидаги ишчиларнинг ярмидан кўпроғи тажрибали ишчилар, қолганлари эса — ёшлар, деди у. Шу сабабли ёш ишчиларни тарбиялаш, уларга касб-кор сирларини ўргатиш масаласи бизда жуда ўткир бўлиб турибди. Биз бу масалага катта эътибор бераяпмиз. Масалан, бригадаларни ташкил этганда уларнинг ҳар бирида ёш ишчилар ҳам, мураббийлар ҳам бўлишини назарда тутганмиз. Бригадаларга коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Цехда асосан хотин-қизлар ишлайди. Эркаклар жуда оз.

Ю. В. Андропов. Нега уларни цехга киритмайсизлар?

Т. А. Комарова. Буни қарангки, эркаклар бизнинг цехда ишлашни унчалик хоҳлашмайди.

Ю. В. Андропов. Нега?

Т. А. Комарова. Келишади-ю, кетиб қолишади. Бизнинг иш уларга оғир туюлади, чунки зарарли ишлаб ниқариш ҳисобланади, улар эса ўзларини аяшади. Аҳвол мана шундай, хотин-қизлар билан ишлаш баъзан мураккаб, албатта. Аммо яхши жиҳатлари ҳам бор. Масалан, бизда ишга кечикиб келиш, келмай қолиш ҳоллари камдан-кам учрайди. Бизнинг бошқа ташвишимиз бор. Ҳали ҳам смена ичида кўп вақтни бекор ўтказаяпмиз. Мана шу камчиликка қарши ҳозир жуда қаттиқ курашяпмиз.

Ю. В. Андропов. Хўш, нега бекор туриб қолаяпсизлар?

Т. А. Комарова. Бунинг ҳар хил сабаблари бор. Баъзан лак-бўёқ материалларининг сифати унчалик яхши бўлмайди, бу эса ишни жуда қийинлаштиради. Биз баъзан сифатсиз материаллардан фойдаланганимиз учунгина ишни қайтадан бажаришга мажбур бўламиз. Айрим ҳолларда бизга деталлар вақтида беріилмайди, қўйма унчалик яхши бўлмайди. Бу ҳам бизни ортиқча иш қилишга мажбур этади. Бу йил биз шу иллатни тугатамиз, деб ўйлайман, назаримда лак-бўёқ саноати ўз маҳсулотининг сифатини яхшиламоқчидек кўринади, ҳар ҳолда бизга шундай дейишмоқда. Бизда яна кичик механизация проблемаси ҳам бор. Бизга беришган сайқаллаш машинкаларининг оғирлиги 2 килограмм келади, улар ишланганда шундай титрайдики, одамнинг бутун вужудини қалтиратиб юборади.

Ю. В. Андропов. Бу машинкаларни ким ясайди?

Н. С. Чикирев. Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлиги.

Т. А. Комарова. Мен айтган нарсалар бизга жуда ҳалақит бермоқда ва меҳнат унумдорлигига таъсир қилмоқда, албатта. Аммо шунга қарамай, биз 1983 йилги социалистик мажбуриятимизни бажарамиз.

Цехимиз хотин-қизлар цехи бўлгани учун социал масалалар ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Хоҳловчиларнинг ҳаммалари ўз болаларини, болалар яслисига жойлаштириш имкониятига эга эканликлари жуда яхши. Бизнинг яхши ошхонамиз бор. Маҳсулотларни заводда сотиб олишимиз мумкин, аёл киши учун бунинг ҳам аҳамияти катта.

Ю. В. Андропов. Эркаклар учун ҳам дея беринг. **(залда кулги).**

Т. А. Комарова. Аммо биз учун айниқса. Биз йўлланмалар олаяпмиз. Биз аёл ишчилар санаторий йўлланмалари билан таъминланамиз. Дам олиш уйларига йўлланмалар арзон нарх билан берилади. Болалари бўлган аёллар ҳам имтиёзлардан фойдаланадилар.

Цехнинг катта мастери, цех партия ташкилотининг секретари В. С. Емельянов сўзга чиқади. Мен заводда ишлай бошлаганимга йигирма уч йил бўлди, деди у. Заводга асбобчи слесарь бўлиб келган эдим, энди ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан бери мастер бўлиб ишлаяпман. Менинг кўз ўнгимда корхона техника билан қайта қуроллантирилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланди, ишчиларнинг малакаси ошди. Биз автомат линиялар, агрегат станоклар учун мураккаб мосламалар ишлаб чиқараяпмиз. Ишчиларимиз бу топшириқларни шараф билан уддаламоқдалар. Бу катта ишда коммунистлар пешқадамлик қилишмоқда, албатта. Масалан, пармаловчи Исаков, фрезерчи Поляков, слесарь Гречишкин ва бошқа кўпгина ўртоқлар ўз участкалари тўғрисида шу гапни айта оладилар. Бутун коллектив партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини яхши қабул этди, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, меҳнат интизомининг аҳамиятини тўғри тушуниб турибди. Бизнинг участкамиз ва, ўйлайманки, заводимизнинг бутун коллективи топшириқни уддалайди, деб ваъда берамиз.

Ю. В. Андропов. Малол келмаса, бир савол берсам майлими? Сизнинг цехингизда интизомбузарлар кўпми?

В. С. Емельянов. Январь ойида бу масалада нолга келдик, дейиш мумкин. Меҳнат интизомида қонунларимиз ҳам, маъмурий жазо чоралар ҳам роль ўйнаши лозим, албатта. Аммо бу ўринда меҳнат коллективининг роли жуда катта аҳамиятга эга.

Ю. В. Андропов. Шубҳасиз, жуда катта.

В. С. Емельянов. Ҳозир биз цехда ишни бригада методи асосида ташкил этяпмиз. Тез орада бутун цех билан ишнинг шу формасига ўтамиз. Бу метод бизга меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, меҳнат унумдорлигини оширишда катта резервларни очиб беради. Умуман камроқ гапириб, кўпроқ ишлаган яхши.

Ю. В. Андропов. Тўғри. Бу гап сизнинг заводингиз учунгина эмас ҳамма жойда муҳимдир.

Ишчиларнинг танаффуси тугай деб қолди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг москвалик станоксозлар билан учрашуви ҳам ниҳоясига етади.

Пировардида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади. У Москва коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини бажаришга бутун кучни сарфлайдилар, деб ваъда берди. Дарҳақиқат, деди у, интизом соҳасида ҳам, планларни бажаришда ҳам тартиб ўрнатиш керак. Пленумда қандай ишлаш кераклигини ишни қай йўлдан олиб бориш лозимлиги ҳақида аниқ вазифалар қўйилди.

Ю. В. Андропов. Ҳолдан тойиб қолмаслик йўллари ҳам кўрсатилган. Бу — узоқ муддатли вазифа.

В. В. Гришин. Бу ишда коммунистлар, партия ташкилотлари ва шу вазифаларни амалга ошириш учун курашга ҳаммани руҳлантириши лозим бўлган заводингиз партия ташкилоти ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим, албатта. Юрий Владимирович бу ерда интизомни мустаҳкамлаш ҳақида гапирди. Ҳақиқатан ҳам бу — кўп соҳали масала. Гарчи ишга ўз вақтида келиш ва ундан ўз вақтида кетиш ҳам жуда муҳим бўлсада, масала шунинг ўзидангина иборат эмас.

Ишлаб чиқаришда яхши шарт-шароитларни вужудга келтириш интизомни мустаҳкамлашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир: ишлаб чиқариш аниқ планлаштирилган бўлиши, моддий техника таъминоти пухта йўлга қўйилиши, асбоб-ускуналар соз бўлиши керак. Ишлаб чиқариш интизомини ҳам, план интизомини ҳам мустаҳкамлаш лозим. Бу ерда ҳал қилувчи ролни коллектив ўйнайди, деб тўғри айтишди. Коллективда меҳнат интизомини бузишнинг ҳар бир ҳодисаси теварагида жамоатчилик фикри вужудга келтирилса, бу — жуда кучли восита, бошқа ҳар қандай воситалардан ҳам кучлироқ восита бўлади.

Ю. В. Андропов. Ҳозир ўртоқ Гришин айтган гап муносабати билан бир неча сўз. Интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала фақат ишчиларга, инженер-техник ходимларга таллуқли эмаслигини ўртоқлар тўғри тушуниб олишларини истайман. Бу гап министрлардан тортиб ҳаммага таллуқлидир.

Пировардида ўртоқ Ю. В. Андропов яхши ишлари ва самимий учрашув учун станоксозларга яна бир бор ташаккур айтди. У ишчиларга сиҳат-саломатлик, ишлаб чиқаришда, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда муваффақиятлар тилади.

ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР·ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР·ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР

XX АСР ЙИЛ 83

ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР·ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР·ТАСС·АПН·ХАБАРЛАР

ЧЕТ ЭЛ ЁШЛАРИ ҲАЁТИДАН

● ГАВАНА. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларидаги ёшлар саёҳат бюроларига техникавий ёрдам бериш юзасидан ўтказилган 1-конференция қатнашчилари ёшлар туризмини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, унинг проблемалари ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Туризм ва ёшларни ўзаро юбориб туриш халқаро бюроси уюштирган бу учрашувда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги 19 мамлакат ёшлар ва студентлар ташкилотларининг намояндалари, делегациялари, шунингдек «Спутник» халқаро ёшлар туризм бюросининг делегацияси иштирок этди.

Конференция қатнашчилари тинчликни ва халқлар ўртасида — ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи ёшлар туризмини янада ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Улар ёшларнинг туристик сафарларини уюштиришда Совет Иттифоқининг бой тажрибасига юксак баҳо бердилар, ёшлар туризми ва уларни ўзаро юбориб туришнинг янги илғор методларидан тезроқ фойдаланиш ва жорий этишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

● ЛУАНДА. Ангола Халқ Республикасида совет ва ангола ёшларининг дўстлик кунлари бошланди. Бу тадбирда «Латвия» теплоходида бу ерга келган ва социалистик мусобақада ғолиб чиққан совет йигит ва қизларининг катта бир группаси қатнашмоқда.

Совет ёшлари намояндалари Ангола пойтахтидаги ишчи ва студентлар билан учрашдилар. Республиканинг ёшлар ва студентлар ташкилотларининг раҳбарлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини яхши қабул этди, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, меҳнат интизомининг аҳамиятини тўғри тушуниб турибди. Бизнинг участкамиз ва, ўйлайманки, заводимизнинг бутун коллективи топшириқни уддалайди, деб ваъда берамиз.

Ю. В. Андропов. Малол келмаса, бир савол берсам майлими? Сизнинг цехингизда интизомбузарлар кўпми?

В. С. Емельянов. Январь ойида бу масалада нолга келдик, дейиш мумкин. Меҳнат интизомида қонунларимиз ҳам, маъмурий жазо чоралар ҳам роль ўйнаши лозим, албатта. Аммо бу ўринда меҳнат коллективининг роли жуда катта аҳамиятга эга.

Ю. В. Андропов. Шубҳасиз, жуда катта.

В. С. Емельянов. Ҳозир биз цехда ишни бригада методи асосида ташкил этяпмиз. Тез орада бутун цех билан ишнинг шу формасига ўтамиз. Бу метод бизга меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, меҳнат унумдорлигини оширишда катта резервларни очиб беради. Умуман камроқ гапириб, кўпроқ ишлаган яхши.

Ю. В. Андропов. Тўғри. Бу гап сизнинг заводингиз учунгина эмас ҳамма жойда муҳимдир.

Ишчиларнинг танаффуси тугай деб қолди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг москвалик станоксозлар билан учрашуви ҳам ниҳоясига етади.

Пировардида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади. У Москва коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини бажаришга бутун кучни сарфлайдилар, деб ваъда берди. Дарҳақиқат, деди у, интизом соҳасида ҳам, планларни бажаришда ҳам тартиб ўрнатиш керак. Пленумда қандай ишлаш кераклигини ишни қай йўлдан олиб бориш лозимлиги ҳақида аниқ вазифалар қўйилди.

Ю. В. Андропов. Ҳолдан тойиб қолмаслик йўллари ҳам кўрсатилган. Бу — узоқ муддатли вазифа.

В. В. Гришин. Бу ишда коммунистлар, партия ташкилотлари ва шу вазифаларни амалга ошириш учун курашга ҳаммани руҳлантириши лозим бўлган заводингиз партия ташкилоти ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим, албатта. Юрий Владимирович бу ерда интизомни мустаҳкамлаш ҳақида гапирди. Ҳақиқатан ҳам бу — кўп соҳали масала. Гарчи ишга ўз вақтида келиш ва ундан ўз вақтида кетиш ҳам жуда муҳим бўлсада, масала шунинг ўзидангина иборат эмас.

Ишлаб чиқаришда яхши шарт-шароитларни вужудга келтириш интизомни мустаҳкамлашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир: ишлаб чиқариш аниқ планлаштирилган бўлиши, моддий техника таъминоти пухта йўлга қўйилиши, асбоб-ускуналар соз бўлиши керак. Ишлаб чиқариш интизомини ҳам, план интизомини ҳам мустаҳкамлаш лозим. Бу ерда ҳал қилувчи ролни коллектив ўйнайди, деб тўғри айтишди. Коллективда меҳнат интизомини бузишнинг ҳар бир ҳодисаси теварагида жамоатчилик фикри вужудга келтирилса, бу — жуда кучли восита, бошқа ҳар қандай воситалардан ҳам кучлироқ восита бўлади.

Ю. В. Андропов. Ҳозир ўртоқ Гришин айтган гап муносабати билан бир неча сўз. Интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала фақат ишчиларга, инженер-техник ходимларга таллуқли эмаслигини ўртоқлар тўғри тушуниб олишларини истайман. Бу гап министрлардан тортиб ҳаммага таллуқлидир.

Пировардида ўртоқ Ю. В. Андропов яхши ишлари ва самимий учрашув учун станоксозларга яна бир бор ташаккур айтди. У ишчиларга сиҳат-саломатлик, ишлаб чиқаришда, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда муваффақиятлар тилади.

ЯНА БИР КЕМА

СОФИЯ. Болгариянинг савдо флотига яна бир замонавий кема — 25 минг тонна юк кўтаоадиган «Мальовица» қуруқ юк ташиш кемаси қўшилди. Бу кема Варна кемасозлари томонидан қурилган бўлиб, юксак даражада автоматлаштирилган тарзда бошқарилади.

Болгариянинг савдо флотида 110 дан кўпроқ замонавий транспорт кемаси бор. Булар орасида қуруқ юк ташийдиган кемалар, танкерлар, контейнер ташийдиган кемалар бор. Бу кемалар жаҳоннинг 400 портига мунтазам равишда кириб турибди. Денгиз флоти мамлакат халқ хўжалигида муҳим роль ўйнамоқда.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИРРИГАЦИЯ УЧУН ОММАВИЙ ҲАРАКАТ

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикасида янги ирригация иншоотларини қуриш ҳамда эски дамбалар, каналлар ва тўғонларни тиклаш учун оммавий ҳаракат авж олдириб юборилди. Кампонгчам вилоятидаги Батхеай ва Прэкрумденгда барпо этилган иккита йирик дамба Батхеайда 1.550 гектар ва Прэкрумденгда 20.000 гектар қишлоқ хўжалик ерларини суғориш имконини берди.

КХРда ирригация учун малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда, бутлур турли курсларда 160 киши шу соҳада махсус маълумот олди. (ТАСС).

ЭКСПОРТ ҚИСҚАРМОҚДА

Яқинда Япония автомобиль ассоциацияси япон автомобилларининг экспорт қилиниши қисқариб бораётганлиги тўғрисида хабар берди. Бу эса 29 йил ичида биринчи марта ана шундай қисқариш содир бўлмоқда. Ўтган йили Японiядан 5,5 миллион енгил автомашина, юк машинаси ва автобуслар чет мамлакатларга сотиш учун жўнатилган эди. Бу эса 1981 йилда экспорт қилинган маҳсулот ҳажмидан 7,6 процент кам.

Япон мутахассисларининг фикрича, Ғарб мамлакатларида иқтисодий кризиснинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

ХАВФЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР

Вашингтондан берилган хабарда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлардан 130 мингга яқин бола майиб бўлганлиги таъкидланади. Бу ҳақда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилувчи комиссиянинг докладида ҳам келтирилган. Комиссия отаоналарни ўйинчоқларни харид қилиш даврида уларнинг хавфсизлигига эътибор беришларини ҳам огоҳлантириб ўтади. Масалан, ўйинчоқ сифатида чиқарилган сандиқчадан ўтган йилнинг ўзида 21 нафар бола ҳалок бўлди. Бошқа кўпчилик ўйинчоқларнинг ҳам ана шундай ноқулайлиги туфайли ёш болалар майиб бўлдилар, баъзи ҳолларда оғир шикаст топмоқдалар.

АВСТРИЯ. Реттенбах музлигида 81 тоғ чанғисидан иборат группа бир-бирининг қўлидан ушлаб акробатик сальто ижро этишди ва қатнашчиларнинг сони бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатишди.

Суратда: сальто бажарилаётган пайт.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

«Самимий» учрашув

НЬЮ-ЙОРК. Бостон шаҳри аҳолиси АҚШ президентини «Рейган, уйингга жўнаб кет!», «Бизга бомбалар эмас, озиқ-овқат керак!» деган сўзлар билан қарши олдилар. Бостон аҳолиси маъмуриятнинг «Бюджетни тежаш» баҳонаси билан социал программани яна ғоят кўп миқдорда қисқартириш режаларига қарши оммавий норозилик билдирди. Эй-Би-Эс телевизион компаниясининг хабар беришича, президент ўзини кўрсатиш мақсадида Бостонга бир кунлик сафар қилди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Бу йил Совет шаҳарларидаги транспорт парклариға Чехословакияда ишлаб чиқарилган 500 дан кўпроқ трамвай қўшилади. Прагадаги «ЧКП-Татра» заводининг коллективи Чехословакия меҳнаткашлари Февраль ғалабасининг 35 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, Совет Иттифоқи буюртмаларини 7 ноябргача бажариб бўлиш мажбуриятини олди.

«Т-3» маркали тез юрадиган шинам машиналар завод СССРга етказиб бераётган трамвайларнинг асосий қисмидир. Тарихий марказларида тор кўчалари бўлган шаҳарлар учун «КТ-4» маркали бир неча ўнлаб вагонлар тайёрланди. Бу йил совет транспортчилари «ЧКД-Татра» янги трамвайларига ҳам эга бўладилар. Завод модернизация қилинган бир неча трамвайни ҳам СССРга жўнатади. Бу трамвайлар олдингиларига нисбатан қарийб 30 процент тежамлидир.

(ТАСС).

У. ПАЛЬМЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Швеция бош министри Улоф Пальме Швеция ҳукуматининг Европада жанг майдонида ишлатиладиган ядро қуролидан ҳоли зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифига совет томонининг жавобини юксак баҳолади.

Швеция ҳукуматининг бошлиғи айтдики, СССРнинг жавоби эътиборга сазовор бўлиб, унинг шу масалага ижобий муносабатини кўрсатади.

(ТАСС).

ИШЧИ ДАҚИҚАЛАРИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

ТОШКЕНТЛИКЛАРГА—НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

ЯГОНА СИЁСИЙ КУНЛАР ПАЙТИДА МЕҲНАТКАШЛАР БЕРГАН САВОЛЛАРГА ШАҲАРДАГИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги стратегия ва тактикасини белгилаб берган КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорлари барча меҳнаткашлар олдига янги, янада масъулиятли вазифалар қўймоқда. Ун биринчи беш йиллик планларини сўзсиз бажариш учун биринчи навбатда, юксак масъулият ҳисси, қатъий, чинакамига коммунистик онгли интизом бўлиши даркор.

Барча коммунистлар, бутун совет халқи партия ва ҳукумат томонидан белгилаб берилган халқ хўжалиги вазифаларининг жиддийлигини, уларни бажариш учун масъулиятларини тушунган ҳолда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида «Партия, давлат ва меҳнат интизоми бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим» деган кўрсатмаларини тўла қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар ва буни ҳаракат учун қўлланма, деб қабул қилдилар.

Москва шаҳрининг илғор ишчилари, меҳнат ветеранлари, халқ хўжалиги барча тармоқларининг коллективлари меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, хўжасизлик, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар «Шон-шуҳрат меҳнатга яраша!» шиори остида ишлашга қарор қилдилар.

Москва илғор корхоналари ташаббусига қўшилган Тошкентнинг илғор коллективлари — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмалари, В. И. Ленин номидаги электрон техника, «Миконд», «Ташсельмаш» заводлари, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-уйсозлик комбинати, 11-«Висотстрой», «Ташметрострой» трестлари, 2-автокомбинат, Бош универсал магазини меҳнатни ташкил этишни тубдан яхшилаш, хўжасизлик, ишлаб чиқариш ва давлат интизоми бузилиши ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан соцналистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш ҳаракатини ривожлантиришга қарор қилган, 1983 йил учун ошрилган соцналистик мажбуриятлар қабул қилган Тошкент илғор коллективларининг бу ташаббусини маъқуллади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорида ходимларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши учун қулай шароитларни яратиш, меҳнатни ташкил этишни ва бошқарувни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ва маданиятини ошириш, унинг бир маромда ишлашини таъминлаш меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири, деб таъкидланади.

Тошкент шаҳри корхоналари, ташкилотлари, қурилишлари меҳнаткашлари Ленинча жумаликлар, ягона сиёсий кунлар пайтида бу масалаларни кўтариб чиқмоқдалар. Улар соцналистик интизомни мустаҳкамлаш учун кураш жойларда тарбиявий ишларни кучайтиришни, жамоат тартибини яхшилашни, ичкиликбозликка қарши қатъий кураш олиб боришни, савдо, маиший хизмат, транспорт, умумий овқатланиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа соҳалар ишини оқилона ташкил этишни таклиф этмоқдалар. Бу меҳнат коллективларига КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича муваффақиятли иш олиб боришларига хизмат қилган бўларди.

Бугун «Тошкент оқшоми» саҳифаларида аҳолига хизмат кўрсатиш билан машғул бўлган шаҳар бошқармаларининг раҳбарлари ягона сиёсий кунлар пайтида меҳнаткашлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

ТРАНСПОРТ БИР МАРОМДА ИШЛАСИН

Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотлари, муассасалари меҳнаткашлари Ленинча жумаликлар ягона сиёсий кунлар пайтида шаҳар пассажир транспорти ишига таллуқли масалаларни айниқса кескин қўймоқдалар.

Транспорт иши ҳали йўловчиларнинг жуда кўп эътирозларига сабаб бўляпти. Унинг бир меъёрда ишламаслиги, графикларнинг доим бузилиб туриши, машиналарнинг тез-тез ишдан чиқиши, шаҳар транспортининг кечки ва тунги пайтларда, дам олиш кунларида ғоят қониқарсиз ишлаши транспорт ишидаги камчиликларнинг бир қисми, холос. Бу ҳақда йўловчилар мунтазам шикоят қиладилар. Редакцияга келаётган кўпдан-кўп хатлар ҳам шаҳар транспортининг иши ёмон ташкил этилганлигидан далолат бермоқда.

Меҳнаткашлар саволларига трамвай-троллейбус бошқармасининг бошлиғи В. ЗАГУМЕННОВ жавоб беради:

— Шаҳар электр транспорти бир меъёрда ишламаслигининг асосий сабаблари нимада?

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам электр транспорти ҳозирча ўз вазифасининг, тобора кўпайиб бораётган йўловчиларни манзилларига етказиб қўйишнинг уддасидан чиқа олмаяпти. Йўловчилар энг кўп бўладиган пайтларда бизнинг қувватларимиз барча меҳнаткашларни манзилларига етказиб қўйиш учун етарли эмас. Кечки соат 20 дан сўнг қатор маршрутларда транспорт қатнови интервали 20 минутга етади.

Ҳаракатдаги составимизнинг анчагина қисми кўп вақтдан бери ишлатилади. Шунинг учун уларнинг техникавий ҳолати зарур даражада эмас. Ҳаракатдаги составни янгилаш жуда сust олиб борилмоқда. Транспортимизга хизмат кўрсатадиган подстанцияларнинг қуввати йўловчиларни ташишнинг ҳозирги ҳажми учун етарли эмас.

— Ҳаракат графиги тез-тез бузилишининг сабаби нимада? Нима учун трамвай ва троллейбуслар кўп ҳолларда маршрутга чиқмайди?

— Шаҳарда ишни ташкил этиш билан шуғулланадиган транспорт хизмати учун биноларнинг йўқлиги, авария хизмати воситаларини бутун шаҳар бўйлаб жойлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, диспетчерлик ва оператив пунктлар тўла телефонлаштирилмаганлиги транспортнинг кўп ҳолларда бир меъёрда ишламаслигига олиб келмоқда.

Ҳаракатнинг бир меъёрда бўлмаслиги, айрим ҳайдовчилар, диспетчерлар, контролерларнинг эътиборсизлиги ва қўполлик қилишлари ишимиздаги асосий камчиликлардир. Вагонларни, машиналарни, контакт тармоқларини, йўл хўжалигини ремонт қилиш сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Машиналар техник ҳолатини яхшилаш қисобига парқдан фойдаланиш коэффициентини ошириш бизнинг асосий резервларимиздан биридир.

Шунинг учун биз қатор саноат корхоналарига эҳтиёт қисмлар тайёрлашда ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилдик. Бу ҳолда биз йўловчилар кўп бўлган эрталабки ва кечки соатларда маршрутларга қўшимча равишда 20 тагача транспортни чиқариш имконига эга бўлар эдик.

Маршрутларни жиддий ўзгартиришни режалаяпмиз. Жумладан, Москва ва Ленинград шаҳарлари тажрибаси асосида узун маршрутларни қисқартириш ва энг йирик магистралларда қисқа маршрутларни жорий этиш ниятидамиз. Бу ҳаракат интервални кескин қисқартиради ҳамда кутилмаган сабаблар туфайли ҳаракатда узилиш бўлиш ҳолларини камайтиради.

Нормал шароитларда 4, 6, 9, 13, 29, 27-трамвай, 7, 8, 18, 13, 19-троллейбус маршрутларининг рейси бир соатдан узоқ давом этади. Агар бирор сабаб билан битта машина линияга чиқмаса ёки техник носозлиги сабабли ишдан чиқса ҳаракат интервали икки ҳатто уч барварга ортади .

Бошқармамизда ва депода катта тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар ойда ҳайдовчилар, мураббийлар кенгашлари, ўртоқлик судларининг мажлислари ўтказилади. Ҳар куни келаётган шикоятлар муҳокама қилиб борилади. Шунга қармасдан бекатлар номини эълон қилмаётган, бекатларда йўловчиларни олмасдан тўхтамай ўтиб кетаётган ҳайдовчилар ҳали ҳам бор. Ҳолбуки улар ишлаб чиқариш интизомининг бундай бузилишлари учун жазоланишларини, мукофотдан маҳрум бўлишларини биладилар. Афтидан, бу камлик қилаётганга ўхшайди. Деполарнинг айрим раҳбарлари кадрлар етишмаётганлигини билганликлари учун ҳайдовчиларни бундай интизомсизлик учун ишдан бўшатишга журъат қилмаяптилар. Энди бу масалаларга янада жиддийроқ муносабатда бўламиз.

ХАРИДОРЛАР МАНФААТИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

Ленинча жумаликлар, ягона сиёсий кунлар пайтида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари раҳбарларига жуда кўп саволлар берилди. Меҳнаткашлар саволларининг асосий мавзуи — савдони ташкил этишни янада яхшилаш, шаҳарликлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун савдо, умумий овқатланиш корхона ва ташкилотлари иш режимини тартибга солиш масалаларидир.

Яқинда СССР Министрлар Совети аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ишини янада такомиллаштиришга қаратилган қарор қабул қилди. Бу иш Тошкентда қандай амалга ошириляпти?

Меҳнаткашлар саволларига Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош савдо бошқармасининг бошлиғи Н. АҲМЕДОВ жавоб беради:

— Ҳозирги пайтда кўпгина озиқ-овқат магазинлари кечқурун 8 гача ишлайди. Бундан сўнг фақат бир неча навбатчи магазинлар очиқ бўлади, холос. Ишларини кечқурун соат 8— 9 дан сўнг тугаллаганлар бу ҳолда нима қилишлари керак?

— Шаҳарликларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳозир кўпгина озиқ-овқат магазинларининг иш графигига тузатиш киритилмоқда. СССР Министрлар Советининг аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар иш режимини тартибга солиш тўғрисидаги қарорига жавобан савдо корхоналарининг қатор илғор коллективлари ўз иш вақтларини узайтириш ташаббуси билан чиқдилар.

Бу ташаббус шаҳар савдо корхоналари ва ташкилотларида кенг муҳокама этилмоқда. Уларнинг иш режимлари қайта кўриб чиқилмоқда ва жойларда бу масала район Советлари ижроия комитетлари билан келишиб чиқиляпти.

Шаҳарнинг ва районларнинг асосий кўчалари ёнида жойлашган навбатчи озиқ-овқат магазинлари сонини кўпайтириш кўзда тутиляпти.

Озиқ-овқат магазинлари ходимлари меҳнатини ташкил этиш ва улар ишига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ҳисобига йирик саноат корхоналари яқинида жойлашган, бундай магазинлар ўз танаффусларини корхоналардаги танаффусларга қараб белгилайдилар.

Турар жой массивларида ва маҳаллаларда корхонадаги иш вақти ҳисобга олинган ҳолда магазинларнинг иш соати ҳам ўзгартирилади.

Меҳнаткашларга кўпроқ қулайликлар туғдириш ҳамда уларнинг иш вақтини тежаш мақсадида бу йил саноат корхоналарида 26 та буюртма қабул қилиб олувчи пунктлар ташкил этилади.

— «Ташсельмаш» заводи ишчилари корхона территорияси яқинида яна вино-ароқ сотиш бошланганлиги тўғрисида шикоят қилмоқдалар. Бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ҳам шундай шикоятлар қилмоқдалар. Бош савдо бошқармаси вино-ароқ сотиш товар оборoти планига киритилмаслиги учун нима қилмоқчи?

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ 1981 йилдан бошлаб давлат ҳамда кооператив чакана савдоси корхона ва ташкилотлари фаолиятини баҳолашда ва уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун маблағ ажратишда, шунингдек бу корхона ва ташкилотлар ходимларини мукофотлашда ароқ ва вино сотиш планларининг бажарилиши ҳисобга олинмайди.

Ҳозирги пайтда «Ташсельмаш» заводи яқинида жойлашган, 8, 38, 40-магазинларда барча турдаги спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қатъиян ман этилган.

ИШ ГРАФИГИ ЎЗГАРЯПТИ

Умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи Р. УРОЗБОЕВ жавоб беради:

— Кечқурун соат 9 дан сўнг шаҳарда овқатланиш муаммо бўлиб қоляпти. Бу вақтга келиб ҳамма ошхоналар берк бўлади. Шаҳарликлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун умумий овқатланиш корхоналари иш графиги қандай ўзгартирилади?

— Умумий овқатланиш Бош бошқармаси ва унга қарашли трестлар СССР Министрлар Советининг аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган, корхона, ташкилот ва муассасалар иш режимини тартибга солиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ шаҳардаги умумий овқатланиш корхоналари иш режимини тартибга солиш чораларини кўрмоқда.

Шу мақсадда умумий овқатланиш Бош бошқармаси тавсияларига кўра ҳозир барча ошхоналар трестлари ва Тошкент ресторанлар трести мавжуд иш режимини қайтадан кўриб чиқмоқдалар. Заводлар, фабрикалар, транспорт, қурилиш ташкилотлари ётоқхоналари қошидаги ошхоналарда, шунингдек саноат корхоналаридаги ошхоналарда бу идоралар маъмурияти, касаба союз, партия, комсомол ташкилотлари билан келишилган ҳолда янги иш режимлари белгиланмоқда.

Саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ташкилотлари қошидаги ошхоналарнинг ишини эрталаб соат 7 дан бошлаш кўзда тутиляпти. Заводлар, фабрикалар, қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлар ётоқхоналари қошидаги буфетлар эрталаб соат 7 дан 9 гача, кечқурун 18 дан 22 гача ишлайдиган бўлади. Саноат корхоналари қошидаги кулинария магазинлари ва кафетерийлар 12 дан 19 гача ишлашни мўлжалланяпти. Очиқ типдаги парҳез ошхоналари эса 7 дан 21 гача ишлайди. Шаҳардаги бизнинг ошхона ва кафелар асосан эрталаб 8 дан кечқурун 20 — 21 гача, навбатчи кафе, ошхона, кафетерийлар эса эрталаб 7 дан кечқурун 22 гача ишлайди.

МЕҲНАТКАШЛАР ВАҚТИНИ ТЕЖАШ УЧУН

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи С. ИСАЕВ жавоб беради:

— Шаҳар янги районлари аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича қандай чоралар кўрилади?

— Районлар, турар жой массивлари аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражасини аста-секин тенглаштириш, маиший хизматни мутаносиб ривожлантириш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарори билан маиший хизматни ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар тасдиқланган. Бу тадбирлар шаҳар план комиссияси томонидан шаҳар районлари ижроия комитетлари ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Шу йил биринчи кварталда Сергели районида қурилаётган кийимларни химиявий усулда тез тозалаш ателъеси ишга туширилади. Сергели районидаги 5-«б», Қўйлиқ массивида яқин кунлар ичида пойафзал ва соатларни ремонт қилиш устахоналари, комплекс қабул пункти ташкил этилади.

1983 йил тўртинчи кварталида Чилонзор районидаги Олмазор массивида 11, 14-уйларда ломбард, кийимларни химиявий усулда тозалаш учун қабул пункти, фотосалон ва сартарошхона очилади.

— Нима учун бевосита корхона ва ташкилотларда меҳнаткашларга кўрсатилаётган хизмат кам?

— Саноат корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқариш майдонлари ажратиб бермаганликлари учун бу ерларда маиший хизмат шахобчалари етарлича ривожланмаган эди.

Ҳозирги пайтда СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ бошқарма саноат корхоналарида, ташкилот ва муассасаларда маиший хизматни ташкил қилиш планини ишлаб чиқди. 1983 йилда шаҳардаги 18 та саноат корхонасида, 9 та ташкилот ва муассасада маиший хизматни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

— Химиявий усулда тозалаш фабрикаси томонидан буюртмаларни бажариш муддатларини чўзиб юборaётганлигининг сабаби нимада?

— Кийимларни химиявий усулда тозалаш ва бўяш учун қабул қилиш ва буюртмалар бериш қондаларига мувофиқ буюртмаларни бажариш муддатлари қуйидагича белгиланган: кийимларни химиявий усулда тозалаш учун 10 кун, бўяш учун 15 кун, чармдан тайёрланган буюмларни бўяш учун 30 кун.

Кийимларни химиявий усулда тез тозалаш, яъни буюртмани 24 соат ичида бажариш фақатгина химиявий тозалашни тез бажариш филиалларида амалга оширилади. Улар Акмал Икромов ва Сергели районларидан бошқа шаҳардаги 8 та районда мавжуддир.

Бироқ, буюртмаларни бажариш муддатларига риоя қилинмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Шаҳарликлар ўз хатларида ёзишларича, айрим қабул пунктларига топширилган буюмни ўз вақтида олиб бўлмаяпти. Афсуски, химиявий тозалаш учун берилган буюмларни шу пунктларда йўқотиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бундай бузилиш ҳолларини биз умумий йиғилишларда жиддий муҳокама қиляпмиз. Ҳозир ходимларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш бўйича тегишли иш олиб борилмоқда. Камчиликларга йўл қўйган ходимларга қатъий чоралар кўрилмоқда.

Шаҳар пассажир транспортининг яхши ишлаши тошкентликларнинг юксак унумли меҳнат қилишига кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкин.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилар таъминоти бўлими завод дарвозаси олдида озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этди. Сменадан сўнг ишчилар бу ердан гўшт, турли масаллиқлар, сут маҳсулотларини, тухум, кондитерлик маҳсулотларини харид қилишлари мумкин.

СУРАТДА: кондитерлик маҳсулотлари билан савдо пайти.

ИШЧИ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Шаҳар корхона ва ташкилотларининг меҳнаткашлари шахсий масалаларини ҳал қилиш учун ҳали кўп иш вақти йўқотилаётганлигига эътиборни қаратмоқдалар. Кўп ҳолларда кишилар шахсий масалаларини ҳал қилиш учун ишдан қолишга, маъмурият рухсати билан отпуска олишга, баъзи пайтларда эса белгиланган иш тартибини бузишларига тўғри келмоқда. Чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш режими ҳали тошкентликларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга жавоб бермаяпти. Шу муносабат билан меҳнат омонат кассалари ишига таллуқли масалалар ҳусусида ҳам қатор саволлар берилган. Маълумки, меҳнаткашлар бу ерда ҳам кўп вақтларини йўқотмоқдалар.

Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари бошқармасининг бошлиғи С. ШАПОВАЛОВА жавоб беради:

— Аҳолидан тўловларни қабул қилиб олишни ташкил қилиш омонат кассалари ишининг энг мураккаб участкаларидан бири ҳисобланади. Омонат кассалари томонидан 1 йил давомида бажарилаётган 21 миллион операциянинг 9 миллиони ана шу тўловларни қабул қилиш ҳиссасига тўғри келади. Шуни тан олиш керакки, ҳар ойнинг биринчи ярмида шаҳар омонат кассаларида навбат кутиб туришга тўғри келади. Чунки одатда аҳоли тўловларни шу пайтда кассага топширадилар. Биз меҳнаткашлар коммунал хизматларга тўловларни топширишга кам вақт сарф қилишлари учун зарур чораларни кўрмоқдамиз. Жумладан, ягона тўлов ҳужжатининг жорий этилиши шу мақсадга хизмат қилади. Бу ҳужжатлар пул операциялари сонини анча қисқартириш имконини беради. Ҳозирнинг ўзида бу ҳужжатлардан Ленин, Фрунзе, Ҳамза районлари аҳолиси фойдаланмоқда. Бу йил бу ҳужжатлар Чилонзор ва Собир Раҳимов районларида ҳам жорий этилади. Шунингдек, кассаларда янги электрон аппаратлар ҳам ўрнатилмоқда. Улар тўлов операциялари учун сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини беради.

Шаҳардаги 12 та омонат кассаси биноларининг жуда тор бўлганлиги учун аҳолидан тўловлар қабул қила олмаяпти. Бу кассаларда машиналарни ўрнатиш учун жой йўқ. Бу омонат кассаларининг ҳаммаси янги биноларга ўтказилиши керак.

— Кичик омонат ва кирим кассалари ходимнинг касаллиги сабабли бекилиб қолмаслиги учун нима ишлар қилиняпти?

— Кичик омонат кассалари ходимларидан бири касал бўлса ёки ишдан бўшаса ишлай олмайди. Чунки омонат кассаларида мунтазам равишда кадрларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Биз ҳисобчи ходимларни, иш ҳақи ва пенсия тўлаш бўйича имтиёзларга эга бўлган пенсионерларни ишга таклиф этяпмиз.

Бундан ташқари йирик пойтахт шаҳри шароитида икки ходим ишлайдиган омонат кассалари аҳоли эҳтиёжларини тўла қондира олмайдилар. Бошқарма кичик омонат кассаларини йириклаштириш тадбирларини кўрмоқда. 1981 — 1982 йилларда ўнта ана шундай омонат кассаси йириклаштирилди.

—Омонат ва кирим кассалари иш режими шаҳарликларга қулай бўлиши учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Ҳозирги пайтда омонат кассалари иш режимини тартибга солиш юзасидан зарур чоралар кўриляпти. 1983 йил 1 февралдан бошлаб аҳолига шанба куни хизмат кўрсатадиган омонат кассалари сони уч бараварга кўпайиб, 160 тага етади. Якшанба кунлари эса шаҳарликлар 46 та омонат кассаси хизматидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Омонат кассалари 8 дан очилиб, кечқурун 19 гача ишлайди.

ОТА-ОНАЛАР КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛАДИ

Шаҳарликларни мактабгача тарбия болалар муассасалари ишини яхшилаш масалалари ҳам қизиқтирмоқда. Ягона сиёсий кунлар пайтида сиёсий докладчиларга бу муассасалар иш режимини ўзгартириш билан боғлиқ кўпгина саволлар берилди.

Халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ жавоб беради:

— Хизмат кўрсатиш ходимлари ўз иш графикларини қайта кўриб чиқаётган эканлар мактабгача тарбия болалар муассасалари иши ҳам ўзгарадими? Ахир бу ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётган ходимлар эрталаб ва кечқурун ўз фарзандларини қаерда қолдириш муаммосини ҳал қилишларига тўғри келади-ку.

— Аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари иш режими ўзгараётганлиги муносабати билан бошқарма маҳаллий Советларга қарашли болалар мактабгача тарбия муассасалари иш режимини ҳам қайта кўриб чиқмоқда.

Шу мақсадда биз ота-оналарга анкеталар тарқатдик. Уларнинг таклифлари мактабгача тарбия муассасаларининг оддий ва шанба кунларда қандай ишлаши кераклигини белгилашда ҳисобга олинади. Бунга конкрет мисол келтириш мумкин. Болалар боғчалари эрталаб соат 7.30 дан кечқурун 19.30 гача ишлайди. Агар ота-оналардан баъзилари ўзларининг иш ҳусусиятларига кўра фарзандларини боғчадан кечқурун 8 гача ола олмасалар муассасаларимизда навбатчи группалар ташкил этамиз.

— Болалар боғчаларидаги таомлар сифати муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу соҳада ходимларнинг иши устидан қандай назорат ўрнатилади?

Болалар муассасаларини озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминланишини назорат қилиб бориш учун конкрет чоралар кўрилди. Болалар боғчаларининг мудирлари ҳозир бевосита озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш масалалари билан шуғулланмоқдалар. Мактабгача тарбия муассасаларининг рахбарлари ҳозир тез-тез базаларда бўладилар. Ҳар ўн кунда бир марта бу маҳсулотлар сифати текшириб турилади. Бу мактабгача тарбия муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан шуғулланаётган ходимлар масъулиятини оширишга хизмат қиляпти.

РЕДАКЦИЯДАН: Тошкентда шаҳарликлар эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган корхона, ташкилотлар ишини қайта қуришга киришилди. Олинган жавоблардан кўринди турибдики, транспорт, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари, ташкилотлари тошкентликлар иш вақтидан самарали фойдалана олишлари, шаҳарликлар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ўз коллективлари ишини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирларни белгилаганлар.

Аммо шуни айтиш керакки, кун тартибида турган кўпгина масалалар белгиланган тадбирларда етарли даражада ўз аксини топмаган. Ҳолбуки улар тез орада ҳал қилиниши керак. Масалан, нима учун шаҳар электр транспорти ҳаракат составини янгилаш, подстанциялар қувватини ошириш, транспортни энергия билан таъминлаш масалалари сust ҳал қилинмоқда.

Олинган жавоблардан Тошкентдаги трамвайлар ва троллейбуслар қачон тегишли кўринишга эга бўлиши ҳам номаълум. Ҳолбуки намунали шаҳар номини олиш учун курашаётган Тошкентда улар кўркам кўринишга эга бўлиши керак.

Аҳолининг кўпгина эътирозларига сабаб бўлаётган химиявий усулда тозалаш фабрикаси ишини такомиллаштириш талаб қилинади. Жумладан, буюртмаларни бажариш муддатларини қисқартириш, ходимларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини яхшилаш зарур.

Ҳозир энг муҳими— белгиланган тадбирларнинг қоғозда қолиб кетмаслигидир. Уларни қисқа муддатда амалга ошириш учун катта, аниқ мақсадни кўзлаган иш олиб борилиши керак. Тошкент меҳнаткашлари шаҳар пассажир транспорти, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган корхоналар ишини тубдан яхшиланишини кутмоқдалар. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини, ҳар бир меҳнаткаш иш сифатини янада оширишга хизмат қилган, ҳар бир коллективда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини зарур даражага кўтариш имконини берган бўлар эди. Айни пайтда бу ҳар бир тошкентликнинг, ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган шаҳримиз 2 миллион аҳолиси ҳаммасининг зарбдорларча, юксак унум билан ишлаши учун хизмат қилади.



• ФУТБОЛ

ОЛДИНДА—ЯНГИ МАВСУМ

«Пахтакор» командасининг футболчилари янги мавсумга тайёргарликни пухта олиб боришяпти.

У ёки бу команданинг биринчиликда яхши иштирок этиши учун замин мавсум бошланиши олдида, қишда ҳозирланади деб бекорга айтилмаган. Худди шу пайтда жисмоний чиниқиш, техник маҳоратни такомиллаштириш поёнига етади. Янги комбинацилар ўрганилади, команданинг барча звеноларига синовдан ўтказилади.

«Пахтакор» ўтган мавсумда дуруст қатнашди. Бу йилги мавсум анча қийин бўлади. Буни тренерлар ҳам, футболчилар ҳам яхши билишади. Демак, машғулотларда жиддий шуғулланиш керак. Шу боксдан ҳам футболчилар гимнастика залларида, сув ҳавзаларида, стадионларда тинмай машғулот ўтказишяпти. Ҳар бир спортчи мавсум бошланишига қадар етарли формага эга бўлиш учун бор маҳоратини ишга солмоқда.

СУРАТЛАРДА: команданинг катта тренери И. Секеч спортчиларга кўрсатма бермоқда; «Пахтакор» машғулот пайтида.

В. Портнов фотолари.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Виставка экспонати бўлиб қолди

Самарқанд кооперация институтининг рационализаторлари қуёш нури билан сув қайнатадиган аппарат конструкциясини ишлаб чиқдилар. Офтобда соатига 50 литр қайнаган сув тайёрлайдиган аппарат «Ихтирочилар ва рационализаторлар иқтисод ва тежамкорлик учун» мавзуидаги республика виставкаси экспонатларидан бири бўлиб қолди. Стендларда кўпгина қизиқарли янгиликларнинг намуналарини: «Красний двигатель» заводида йилига 14 тонна алюминий тежайдиган поршен қуйи системасини, пахта толасининг сифатини оширадиган поток линияни ва бошқа кўп нарсаларни кўрасиз. «Икки юз миллион сўм» деб ёзилган плакатга ҳам томошабинларнинг кўзи тушади. Ўзбекистон ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг аъзолари ишлаб чиққан техника янгиликлари бир йилда шунча сўмлик моддий ресурсларни тежайди.

Қувончли таклиф самараси

Чортоқ пахта заводида тола ажратувчи линияга уланган мослама пахтага аралашиб қолган ҳар қандай тош ёки бошқа оғир нарсани «тутиб олади». Уни слесарь Н. Холматов, бригадирлар В. Мамадалиев ва М. Дадахонов тайёрладилар ва ўрнатдилар. Фарғона водийсида ингичка толали пахта қабул қиладиган бу заводда маҳсулотнинг сифатига талаб айниқса, юқори. Шунинг учун ҳам учта новаторнинг йилига 9 минг сўм самара берадиган таклифи бутун коллективни қувонтириб юборди. Бу янгилик пахтанинг ўз-ўзидан ёниб кетишига ҳам барҳам беради: чунки аппарат ичига кириб қолган кичик бир тош ёки гайка тасодифий учқун чиқариб юбориши мумкин.

Беш баравар тезроқ ремонтдан чиқарилади

Бинокорлик материаллари биринчи комбинатининг автобазасида эндиликда юк машиналарининг тормоз колодкалари беш баравар тезроқ ремонтдан чиқарилмоқда. Вулканизатор Александр Лавров, слесар Валерий Пахтусов ва моторист Петр Зубенин ўз чизмалари асосида унча мураккаб бўлмаган иккита пневматик станок ясадилар, бу станоклар деталларни парчинлаш ишини тамомила механизациялаштирди.

Рационализаторларнинг бошқа бир группаси автошиналарни қисмларга ажратадиган ва йиғадиган, уларга дам берадиган ва гидравлик системага диагноз қўядиган стенд ўрнатди.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

МЕҲМОНХОНА ОЧИЛДИ

Қадимий Хива шаҳрининг қоқ марказида, Ичанқалъа яқинида қурилган «ХИВА» меҳмонхонаси дастлабки меҳмонларни қабул қилди.

Меҳмонхона биноси якка-якка лойиҳа асосида қад кўтарди. Бу лойиҳада меҳмонхона яқинидаги қадимий меъморчилик ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Меҳмонхонанинг ички ва ташқи қисми анъанавий шарқ услубида безатилган. Икки қаватли корпусда 1 ва 2 ўринли, барча коммунал қулайликларга эга бўлган 85 та хона бор. Меҳмонхона ичида ресторан, буфет, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат хоналари бор.

Қўриқхона-шаҳардаги бу иккинчи «Хива» меҳмонхонаси шаҳарни реконструкция қилиш бош планига мувофиқ қурилаётган янги жамоат марказининг бир қисмига айланди.

(ЎзТАГ).

Редактор Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МУРАККАБ МАТЕМАТИК ҲИСОБЛАР «ЛАБИРИНТИ»ДАН ЧИҚИШДА

«Электроника» ёрдам беради

МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРНИ ИШЛАТИШ УЧУН МАХСУС ТАЙЁРГАРЛИК ШАРТ ЭМАС. «ЭЛЕКТРОНИКА МК—45» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ ҚУЙИДАГИ АМАЛЛАРНИ БАЖАРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ:

факториални ҳисоблаш;

икки тенгламали қавсларни ҳисоблаш;

хотиралар (П+. П—, Пх, П:) билан ишлашда арифметика жараёнларини автоматик бажариш;

Сонларнинг экспотенциал кўриниши; «П» сонини индикация регистрига ўтказиш;

Ҳар бир клавишдан фақат битта вазифани бажаришда фойдаланиш;

тўрт арифметик амал;

натурал ва ўнлик логарифмлар, антилогарифмларни ҳисоблаш;

тўғри ва тескари тригонометрик функцияларни ҳисоблаш;

тескари катталикларни ҳисоблаш;

даражага кўтариш;

илдиз чиқариш;

градусларда ифодаланган миқдорларни радианларда ифодаланган миқдорларга ўтказиш ва аксинча;

Маълумотларни хотирада тутиш ва хотира жараёнлари.

Индикатор рақамларининг яшил рангда ёритилиши ҳисоб ахборотининг қулай бўлишини таъминлайди. Клавишлар ҳажми йириклаштирилган бўлиб, салгина босиш билан ишлаб кетади.

Озиқланиши 220 в, 50 гц.
Габаритн: 241х185х77 мм.
Улгуржи баҳоси: — 81 сўм 50 тийин.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, тўқувчилар, йигирув ва тўқимачилик дастгоҳлари мастери ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, токарлар, электромонтёрлар.

Касб-ҳунари бўлмаганлар 6 ой давомида бевосита ишлаб чиқаришда ўқитилади.

Ўқиш даврида ойига 70—80 сўм миқдорида стипендия берилади.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитларни ишга расмийлаштиришда 100 сўм миқдорида бир йўла бадалсиз ёрдам берилади, ишнинг дастлабки 6 ойи мобайнида бир марта бепул овқат (тушлик) билан таъмин этилади, ётоқхонада турувчи ёлғиз кишилардан дастлабки 6 ой мобайнида тўлов ҳақи олинмайди.

Комбинат ҳузурида ёшлар учун аёллар ва эркаклар ётоқхоналари, болалар боғчаси ва яслилар, кечки тўқимачилик техникуми ва институтга кириш учун тайёрлов курслари, ишчи-ёшлар ўрта мактаби, спорт базаси, тўқимачилар маданият саройи, ҳаваскорлик киностудияси, Тошкент денгизи районида дам олиш зонаси, «Бўстонлиқ» пионер лагери, профилакторий, яхши жиҳозланган врачлик кабинетлари ва стационари бўлган медицина-санитария қисми, ёрдамчи хўжалик «Текстильщик» совхози мавжуд.

Комбинат ҳар йили — комбинатда камида икки йил ишлаган яхши ишчиларга тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига кириш учун йўлланма беради, стипендияни корхона тўлайди.

Тўқимачилик комбинати базасида 4 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. Уларда тўқимачилик касблари бўйича малакали ишчилар тайёрланади.

10-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — бир йил. Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50—100 проценти тўланади.

8-синф маълумоти билан қабул этилган ўқувчилар касб ўрганиш билан бирга ўрта маълумот ҳам оладилар ва кунига 3 мартадан бепул овқат билан таъминланадилар.

Барча ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари йилига бир марта иш формаси ва парад-кишилик кийими билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5—6-хоналар.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲАР 63-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртн қуйидаги касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: дурадгор, бўёқчи, электр пайвандчилар.

Ўқиш муддати — 6 ой ва бир йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1983 ЙИЛНИНГ 1-КВАРТАЛИДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тугатган ўқувчиларга билим юртини битирганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим билан таъминланадилар, ойига 55 сўмдан 75 сўмгача стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ чоғида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. 12 та спорт секцияси ишлаб турибди, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ётоқхонада яшаш учун ҳарбий ва турар жой учётидан ўчирилиш лозим.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси); турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

Аризалар соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.

Билим юртнинг адреси: Тошкент шаҳри, 131-алоқа бўлими, А. Икромов райони, 26-квартал, М. Шайхзода кўчаси, 1-уй (3, 18, 32, 54-автобусларнинг «12-квартал» бекати; 4, 9, 17-трамвайларнинг «Ширин» бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/II да Майсаранинг иши, 2/II да Дон Кихот.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 1/II да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да Тошкентнинг нозанин маликаси.

КИНО

1 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«33 БАХТСИЗЛИК» — Санъат саройи (19.45, телефон 44-21-74).

«АНГАР-18» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Ватан (жуфт соатларда); Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КРОССВОРД МУҲЛИСЛАРИ УЧУН» — Қозоғистон (жуфт соатларда), Ғ. Ғулом номли (17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Дружба (жуфт соатларда).

«ДОВУЛ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«МУҲАББАТ ЕЗИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 19.45).

«ҲАММАСИ АКСИНЧА»—Фестиваль (тоқ соатларда).

«ЮПҚА МУЗ УЗРА» С. Раҳимов номли (18, 20.30, телефон 48-46-71).

2 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«33 БАХТСИЗЛИК» — Санъат саройи (11, 13.45, 16.30, 19.45, телефон 44-21-74).

«АНГАР-18» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Ватан (жуфт соатларда); Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КРОССВОРД МУХЛИСЛАРИ УЧУН» — Қозоғистон (жуфт соатларда), Ғ. Ғулом номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Дружба (жуфт соатларда).

«ДОВУЛ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«МУҲАББАТ ЕЗИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 15, 19.45).

ҲАММАСИ АКСИНЧА»— Фестиваль (тоқ соатларда).

«ЮПҚА МУЗ УЗРА»—С. Раҳимов номли (18, 20.30, телефон 48-46-71).

Тошкент шаҳар ижроия комитети

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй).

Троллейбус машиналари ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш даврида курсантларга ойига 70 сўмдан стипендия берилади, улар шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз курсантларга депо якинидаги ётоқхонадан жой берилади. Курсантлар ва ҳайдовчилар баҳосининг 50 процентини тўлаш шарти билан формали кийим-кечак билан таъминланадилар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

СССР Алоқа министрлиги Тошкент алоқа политехникуми

8—10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар, шунингдек 10-синф ўқувчиларини

ОЛТИ ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: телевизион техника ва радиорелели алоқа, район электр алоқаси ва радиолаштириш автомат электр алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, почта алоқаси, бухгалтерлик ҳисоби.

Аризалар 21 февралгача қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ушбу адресга мурожаат этилади: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй, 2-қават, 203-хона (10-троллейбус, 44, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекати). Телефонлар: 41-43-62, 41-35-04.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИ БЎЙИЧА ФИЛЬМЛАР ОЛИНДИ:

16 мм ПЛЁНКАДА

«Қора буғдой, тариқ, ловия ва бошқалар...»
«Тоғ боғдорчилиги».
«Маҳсулдор қўйлардан фойдаланиш. Уруғларни лабораторияда қайта ишлаш».
«КРН—4, 2А, КРН—5, 6«А» культиватор —ўсимлик озиқлантиргичлари».
«Чўчқаларни боқиш учун машиналар комплекти».
«Мелиорация ва атроф-муҳит».
«Қовунни парвариш қиладиган машиналар».
«Подмосковье сабзавот фабрикаси».
«Челябинскликларнинг металлни тежаш тажрибаси».
«Қўйларни сунъий қочиришни ташкил этишнинг принциплари» 17 бўлим.
«Ердамчи хўжаликлар—хўжалик экономикасини мустаҳкамлашнинг резерви».
«Маҳсулдор қўйларни асраш ва боқиш». 18 бўлим.
«Қўйларни сунъий урчитиш технологияси». 20 бўлим.
«ДТ—75МП тракторн».
«Олимлар — чорвачиликка».

35 мм ПЛЁНКАДА

«Озуқани доналаш ва брикетлаш».
«ДДА—100М базасидаги ёмғирлатиб суғориш агрегати».
«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш». 17 бўлим.
«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш». 29-бўлим.
«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш». 18 бўлим.
«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш». 19 бўлим.
«Қишлоқ хўжалигига кадрлар».
«МК—16 канал қазлагич».
«Пайвандлаш ишларининг комплекс механизацияси».
«Д—1А каноп тозалагич».
«Қозоғистонда ёғин сувлари билан суғориш».
«Сабзавотлар ва картошкани механизацияда парваришлаш».
«Олча йиғадиган ВУМ—15 машинаси».
«Ингичка толали пахтани машинада териш».
«Ер кучга тўлмоқда».
«Ностандарт «стандарт сигирлар».
«Подмосковье сабзавот ярмаркаси».
«Кўп йиллик экинни озиқлантирувчи «ПРЖ—2».
«Озуқа чиқиндилари чорвачиликка».
«Ғалла қабул қилувчи ва донни қайта ишловчи корхоналарда ёнғин профилактикаси». II фильм.
«Асаларичилик». 7 бўлим.
«УПН 200/5 ярим юклагичли насос қурилмаси».
«Зауральенинг бақувват буғдойи».
«Картошка селекцияси ва уруғчилиги».
«ДТ—75МП трактори».
«Минерал ўғитлар ва микроэлементларни сув билан сепиш учун қурилма».
«Олимлар — чорвачиликка». 1-фильм: «Озуқа».
«Химия ўсимликлар ҳимоясида».

ТВ

1 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Ўсимликлар дунёси». 19.00 «КАТЭК» ҳақида ҳикоя». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Буюк халқ ҳақиқати». «Ватан солдатлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Сталинград жангининг 40 йиллигига. «Волгада шундай бир қоя бор». Музикали кўрсатув. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.35 «Спорт ҳафталиги».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Сибирь Корчагини». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Театр афишаси олдида». 20.00 «Сиз яратган боғ». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Велоспорт бўйича СССР чемпионати. Трекдаги пойгалар. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Графиня де Монсаро». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Қора кийинган одам».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Чин дўстлар». Мультфильм. 18.20 «Ўсмирлар ижоди». 18.50 «Бугун манежда». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Волга бўйидаги жасорат». Сталинград жангининг 40 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чанг тароналари». Фазилат Шукурова. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли видеофильм премьераси. 7-серия. 23.50 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Торпедо» (Усть-Каменогорск). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 21.15 «Ҳали яшил китоб йўқ». Телефильм. 21.30 МТ II.

2 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Д. Шостакович. Фортепьяно ижроси учун 1-соната. РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Васильев ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 9.55 «Мулоҳаза учун вақт». Телевизион бадиий фильм. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Ватан ҳақида қўшиқлар». Концерт. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Ҳужжатли фильмлар. 15.50 В. Ф. Фаворский устахонасида. 16.50 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали». 17.15 Халқ чолғу оркестрининг концерти (Венгрия Халқ Республикаси). 17.45 «Шунчалар зарур миллион». Донецк ип-газлама комбинатини реконструкция қилиш тажрибасидан.

18.00 «Стадион ҳамма учун». 18.30 «Горнчилар, қаердасиз!». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». 20.05 Сталинград жангининг 40 йиллигига. «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Майдондаги табассум». Телевизион фильм премьераси. 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — МАСК. 2- ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ботаника. Баргларнинг тузилиши ва уларнинг аҳамияти. 12.00 «Фанга йўл». Телефильм. 12.30 Рус адабиёти. «Фақат олга, фақат оловли йўлларни ортда қолдириб». (Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романида П. Корчагин образи). 13.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли видеофильм премьераси. 7-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қирол ва қовунлар», «Шимол эртаги». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари». 19.00 КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари— ҳаётга! «Меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Сталинград жангининг 40 йиллигига. «Афсонавий шуҳратинг сенинг». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Камер куйлари кечаси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли видеофильм премьераси. 8-серия. 23.15 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

Собир Раҳимов райпишчеторги коллективи катта бухгалтер Мажид Қосимович ҚОСИМОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг Акмал Икромов райпродторги коллективи ташкилий бўлим мудири Собир Набиевич ЕҚУБОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, маҳрумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») -орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 ФЕВРАЛЬ, 1983 й. Р—01767. Газета Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.